



**ЎСПИРИНЛАРНИ ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ
ЖАРАЁНИНИНГ ПЕДАГОГИК ҲАМДА ПСИХО-
ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**
NORMAL PROCESS OF SELF-EDUCATION OF
PEDAGOGICAL AND PSYCHO-PHYSIOLOGICAL
PROPERTIES



Ходжаева София Саиджоновна, Ходжаева Sofia Saidjonovna
Нигматова Мавжуда Махмудовна Nigmatova Mavjuda Maxmudovna
Бухоро давлат университети катта ўқитувчилари
Bukhara State University, the largest teachers

Аннотация: Ушбу мақолада, Ўспиринларнинг ўз-ўзини тарбиялаш жараёнининг мазмуни ёритиб берилган. Шунингдек, ўспиринларнинг ўз-ўзини тарбиялаш жараёнининг психо-физиологик жиҳатларига алоҳида эътибор берилган.

Таълим-тарбия ҳамда унинг таркибий қисми бўлган ўз-ўзини тарбиялаш жараёни умумий педагогик асосга эга. Ўз-ўзини тарбиялаш жараёнининг ғоявий асосини мустақиллик ғояси ва мафқурасининг ўспиринлар онгига сингдириш мақсади ташкил этади. Жамият ҳаётидаги муҳим ўзгаришлар таълим-тарбия жараёнида ўз ифодасини топиши, яъни янги давр кишининг шакллантириш билан боғлиқ муҳим вазифалар қўйиши шубҳасиздир. Таълим-тарбия натижасида ҳар бир ўспириннинг ҳаётий мақсади ва идеаллари шаклланади. Буларнинг барчаси ўспиринларни ўз-ўзини тарбиялашга йўллаш жараёнининг мазмунини белгилаб беришни тақозо қилади. Ўз-ўзини тарбиялаш жараёнида ўспиринлар миллий ғоя, муайян илмий дунёқараш, жамоавийлик, сиёсий онглилик ва ҳушёрлик, мустаҳкам эътиқод ва фаол ҳаётий нуқтаи назарни эгаллашлари мақсад қилиб қўйилади.

Таълим-тарбия жараёни ўспириннинг ўз-ўзини тарбиядаши учун замин ҳозирлайди. Бугунги кунда ахборотлар оқими кенгайиб бормоқда. Шахснинг ахборот олиш майдони кенг қамровлидир. Мазкур ахборотлар икки томонлама тарбиявий аҳамият касб этмоқда: улар ўспирин шахсига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир этиши мумкин. Жумладан, терроризм ва ислом фундаментализми, динлар ва маданиятлар орасидаги курашлар, ўспиринларда салбий дунёқарашнинг шаклланишига асос бўлиши мумкин. Нотўғри ахборотлар воситасида уларнинг турли оқимларга қўшилиш хавфлари мавжуд. Чунки улар диний ақидапарастлик ва терроризмнинг даҳшатли оқибатларини яққол тасаввур қила олмай, унинг зарарли тўрига тушиб қоладилар. Уларнинг таъсирига берилганлар бу даҳшатли оқимлар талаб қилган сифатларни, тартиб-интизомларни ўзларига сингдирадилар. Шунинг учун бундай шароитда ёшларни тарбиялашда уларга диний ақидапарастлик ва терроризмнинг даҳшатли оқибатларини тушунтириш муҳим аҳамият касб этади.

Таянч тушунчалар: Ўз-ўзини тарбиялаш, ўзини англаш, ўзига баҳо бериш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз устида ишлаш, ўз-ўзини ўзгартириш.

Abstract: In this article, the normal self-care to reflect the content of the processing. In addition, the self-education of the young men are given special attention to the aspects of processing psycho-fiziologik.

Education and training, as well as its process of self-education, which was part of the overall educational foundation. The process of self-education of the ideological basis of the idea of independence and adult aim of instilling the ideology. Significant changes in the life of the community education process reflected in the new tasks related to the formation of those who doubt. The purpose of the education of a young life forms and ideals. These are all normal self-care is necessary to mark the contents of the transfer process. Teenagers in the process of self-education of the national idea, a scientific outlook, jamoaviylik, political consciousness and vigilance, strong faith and active life and take the point of view of the target.

The educational process is young self-tarbiyadashi hozirlyaydi. Bugungi the basis for expanding the flow of information. A wide range of information about the person. This two-way information and educational role: they are young person can be both positive and negative effects. Including terrorism and Islamic fundamentalism, the struggle between religions and cultures, the teen years can be the basis for the formation of a negative outlook. The wrong information by means of their joining the various risks. Because they can not imagine the obvious consequences of religious extremism and terrorism, the dangerous snare. Given the impact of this terrible currents, to impose discipline themselves. Therefore, the education of young people in such circumstances to explain the consequences of religious extremism

and terrorism plays an important role

Basic concepts: self-discipline, self-awareness, self-esteem, self-control, work on their self-change.

Таълим–тарбия жараёни ўспириннинг ўз-ўзини тарбиядаши учун замин ҳозирлайди. Бугунги кунда ахборотлар оқими кенгайиб бормоқда. Шахснинг ахборот олиш майдони кенг қамровлидир. Мазкур ахборотлар икки томонлама тарбиявий аҳамият касб этмоқда: улар ўспирин шахсига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир этиши мумкин. Жумладан, терроризм ва ислом фундаментализми, динлар ва маданиятлар орасидаги курашлар, ўспиринларда салбий дунёқарашнинг шаклланишига асос бўлиши мумкин. Нотўғри ахборотлар воситасида уларнинг турли оқимларга қўшилиш хавфлари мавжуд. Чунки улар диний ақидапарастлик ва терроризмнинг даҳшатли оқибатларини яққол тасаввур қила олмай, унинг зарарли тўрига тушиб қоладилар. Уларнинг таъсирига берилганлар бу даҳшатли оқимлар талаб қилган сифатларни, тартиб-интизомларни ўзларига сингдирадилар.

Инсон руҳияти ўз ривожланиш қонуниятларига эга. Таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган тарбиявий воситалар ўспиринларнинг ички дунёсига таъсир кўрсатилади.

Бугунги кунда ўспиринлар олдида мустақил фикрлаш, чуқур билимларга эга бўлиш, иқтисодий-ҳуқуқий билимдонликка эга бўлиш каби талабларни қўйилмоқда. Айрим ҳолларда кишиларда бу талабларга эътибор бермаслик, енгил-елпи ҳаёт кечиришга интилиш, осон йўл билан бойлик тўплаш, ялқовлик кайфиятлари устунлик қилмоқда. Бундай ҳолатлар ўз-ўзини тарбиялашнинг тўғри йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради.

Ўспиринларда ўз-ўзини тарбиялашни самарали ташкил қилиш учун, дастлаб бу жараённинг мазмунини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки ўз-ўзини тарбиялаш ўз фаолиятини таҳлил қилиш ва ўз шахсини такомиллаштиришдан бошланади. Ўспиринларда шу фаолиятга эҳтиёж пайдо бўлгандагина ўз-ўзини тарбиялаш жараёни самарали кечади.

Ўзини англаш инсоннинг ўз-ўзини тарбиялаш воситасида ўзига баҳо бериш, фикр-мулоҳазалари, ўзини назорат қила олиш маъсулияти, ҳатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш ва бошқариш имконини беради. Ўз-ўзини тарбиялаш ўз-ўзини ўзгартиришдан фарқ қилади. Ўз-ўзини ўзгартиришда инсонда ички ва ташқи таъсирлар остида унинг руҳиятида ўзгаришлар рўй беради. Ўз-ўзини ўзгартириш инсон вужуди ва маънавий олами, ёши, индивидуал ва умумий ривожланиш қонуниятлари асосида миқдор ва сифат ўзгаришларига учраши натижасида содир бўлади. Ўз-ўзини тарбиялаш эса, инсоннинг онгли равишда ўзидаги сифат ва хусусиятларни атрофдаги кишилар билан солиштириши ва жамият талаблари асосида ўзини руҳий ва ташкилий ўзгартиришга бўлган мақсадли интилишидир.

Ўз-ўзини тарбиялаш сифатлари ўспирин унга тайёр бўлганда, ўзини англаб мустақил фаолият кўрсатганда амалга ошади. Ўспиринни ўз-ўзини тарбиялашга ўргатиш учун унга маслаҳат ва кўрсатмалар бериш лозим. Бунда ўз ҳатти-ҳаракатларига танқидий муносабатда бўлганда куйидаги ҳолатлар вужудга келади:

- ўспиринларни ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўз шахсий фазилатларини тушуниш зарурияти ҳақидаги билим ҳамда тушунчаларини аниқлаш;

- ўспиринларни ўз-ўзини баҳолашга майл уйғониш;

- ўспиринларнинг ҳиссий ҳолати, маънавий маданияти, ахлоқий тафаккури, одатлари, идеали, эстетик тасаввурлари ва иродавий кучини ҳисобга олган ҳолда шахсий хулқ-атворини жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти хусусиятларидан келиб чиққан муайян мақсадга йўналтириш;

- ўспиринларнинг ўз-ўзини тарбиялаш соҳасидаги билим, кўникма, малака ва тажрибаларига таянган ҳолда келажакни режалаштириш, унинг аниқ натижаларини олдиндан кўра олиш малакасини шаклланган ҳолда, ҳаракат моделини ишлаб чиқишлари учун қулай педагогик вазият яратиш;

- ўспиринларни ўз-ўзини тарбиялаш ишларида уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига таяниш, минтақавий, жуғрофий ҳолатларни, шароитларни инобатга олган ҳолда, уларда ўз-ўзини тарбиялаш кўникмаларини ҳосил қилиш;

- ўспиринларнинг ўз-ўзини тарбиялаш жараёнини самарали ташкил қилиш учун, тарбиянинг ноанъанавий шакллари, миллий кадриятлар, маҳаллий урф-одатлар, анъаналарни аниқ ҳисобга олиш ва уларнинг таълимий тарбиявий имкониятларини ҳисобга олиш.

Ўзи-ўзини таҳлил қилишлари – ўспиринларга ўз фазилатларини билиш имконини беради. Ўзи-ўзини назорат қилиш учун ўспиринлар юриш–туриши, интизоми, ижобий сифатларининг ортиши ва салбийларининг камайганлиги ҳақида мунтазам равишда кундалигига ёзиб боришлари лозим. Чунки, ўспирин ўз хулқ-атвори ва фазилатларини таҳлил қилишни ўрганмаса ўз-ўзини

тарбиялай олмайди. Ўз-ўзини баҳолаш натижасида ўспириннинг қобилиятлари, кучлари ва имкониятлари намоён бўлади.

Ўз-ўзини баҳолаш ўта мураккаб, бироқ ўспиринни бунга тайёрлаш мумкин. Бунинг учун ўспирин иродали бўлиши, ўз бурч ва мажбуриятини тушуниши, фаолиятини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини тарбиялаши учун ўзида куч топа олиши, бунга интилиши лозим. Ўспирин бундай мақсадга ўз-ўзини баҳолаш кўникмасига эга бўлгандагина эришилади.

Ўспиринларнинг ёши билан боғлиқ ҳолда, уларнинг жисмида содир бўладиган руҳий, аклий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ўзгаришларнинг табиий, илмий асосларини билиш, ўспиринларни ўз-ўзини тарбиялаш кўникмалари моҳиятини англаш имконинини беради. Чунки уларнинг жисми, руҳий, маънавий оламида рўй берадиган ўзгаришлар ўз-ўзини тарбиялаш кўникмалари билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Бу ўзгаришлар ўспиринларнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда баъзан жадал, баъзан эса суст кечади. Ўспиринлик даврида эса, бундай ўзгаришлар жадал тус олади.

Ўспиринларни ўз-ўзини тарбиялашга ўргатишда уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади. Педагоглар ҳамда психологлар ўспиринларнинг ёш даврларини табақалаштириш ва бу даврларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни назарий жиҳатдан таҳлил қилиш ва педагогик аҳамиятини аниқлашга интилганлар.

Таълим-тарбия ва ўз-ўзини тарбиялашни тўғри ташкил этиш учун ўспириннинг ёш хусусиятларини билиш ва шу асосда ўқув жараёнини самарали бошқариш лозим. Чунки ҳар бир шахс ижтимоий, руҳий, биологик жиҳатдан ўзига хосдир. Инсоннинг ўзига хос хусусиятлари мунтазам такомиллашиб, ривожланиб боради. Бу ривожланиш таълим жараёнининг мазмуни, ўспиринларнинг бир-бирига кўрсатадиган таъсирига ҳам боғлиқдир. Бироқ, ҳар бир шахснинг ўзига хослиги унда умумий хусусиятлар ва хислатлар мавжудлигини инкор қилмайди, бу умумийлик ҳар бир шахснинг ўзига хос жиҳатлари ва таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ ҳолда ўрганилиши лозим.


Маълумки, ўспиринлар билан ўз-ўзини тарбиялаш ишларини ташкиллаштириш ва амалга ошириш уларнинг фаолият турларини аниқ билиш билан ҳам характерланади. Ўспиринлик даврида етакчи фаолият – бу ўқиш, мулоқот ҳамда меҳнат фаолиятидир, Ўспиринлик даври мулоқотининг асосий вазифаси – бу ўзаро дўстлик ва ўртоқлик муносабатларининг энг оддий ҳамда асосий меъёрларини эгаллаш ва унга амал қилишдан иборатдир. Ўспиринларнинг мулоқоти дўстона ва маданий бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳар қандай тарбия каби ўзини-ўзи тарбияда ҳам унинг методлари ва шакллари аниқлаш муҳим. Шунинг учун ўспиринларнинг ўзини-ўзи тарбиялаш методларини ва шакллари тадқиқ қилиб, ўзини-ўзи билиш муҳим метод: ўспиринлар билан индивидуал ишлаш, тематик мажлислар, тажриба алмашиниш, учрашувлар муҳим шакл эканлигини аниқладик ва уни қуйидагича 1 ва 2-расмда схематик тасниф қилик. .

1-расм. Ўзини-ўзи тарбиялаш методлари




2-расм. Ўзини-ўзи тарбиялаш шакллари



Ўспирларни ўзини-ўзи тарбиясини ташкил қилишда ҳамда метод ва шаклларни амалга оширишда воситалар муҳим ўрин эгаллайди. ҳисобланади. Ўзини-ўзи тарбиялаш воситаларига баъзан ташкилий шакллар, индивидуал ва жамоавий иш режалар ўзига оғзаки ёки ёзма мажбурият олиш, ўзига ваъда бериш, ўз режаларини фаҳмлаш ҳам киради. Ўспирларнинг ўзини-ўзи тарбиялаш воситаларини тасниф қилишда шахс психикасининг мазмунидан келиб чиқиб уларни шахс хусусиятлари ҳодисаси сифатида ҳам қараш лозим.

Шунинг учун уларни қуйидагича тасвирлаш ўринли бўлади(3-расм)

3-расм.



Шунга кўра биз педагогик тажриба-синов ишлари жараёнида, тадқиқотимиз объектларида, масъулларнинг ўқув-тарбия жараёнида ўспирларни ўзини-ўзи тарбиялашни лойиҳалашнинг ишчи дастурида қуйидагиларга эътибор қаратишларини мақсадга мувофиқ деб билдик:

1. Ўспирин шахсининг йўналиши (қизиқишлари, гуруҳдагидаги обрў-эътибори, дўстларига, ота-онасига, гуруҳдагидошларига, ўқитувчи-тарбиячиларга муносабати, виждонийлиги, ғаразгўйликка мурасасизлиги, сўзи билан ишининг

бирли, ор-номуслиги, хиссий барқарорлиги).

2. Ўспириннинг ўқув ва меҳнат фаолияти (янгиликка интилиши, ижодийликка муносабати, фаоллиги, ижтимоий-фойдали меҳнат ва оммавий-маданий ишларга ташаббус билан иштирок этиши, ўз-ўзига танқидий баҳо бериши, паст ўзлаштирувчиларга ғамхўрлиги).

3. Ўспириннинг ахлоқий-этик ва ғоявий – сиёсий сифатлари (ўзгаларга ҳурмат, ўзига ишонч, сиёсий саводхонлик, ғоявий эътиқодлилик, самимийлик, адолатлейлик, ҳалоллик, ички маданиятлилик, ўз ижтимоий бурчини англаш, дилкашлик, хулқ қоидаларига риоя қилиш, ахлоқий билимдонлик, интизомлилик)

4. Ўспириннинг табиати ва мижози (ирода кучи, ўзгалар билан ўзаро муносабат жараёнида ўта кўзгалувчанлик, ғазабланиш, ўзини тута олиш, кўтаринки кайфиятда бўла олиш, хушчақчақлик, мақсадга йўналганлик, амалий фаолиятда фаоллик, ўз хулқида қатъийлик, одамларга ёрдам кўлини чўзишга тайёрлик, ғамхўрлик, эътиборлилик, миллий ғурур)

5. Ўспириннинг ташкилий-ишчанлик сифатлари (ўқишда, ижтимоий-фойдали ва оммавий- маданий ишларга интилувчанлик, натижага эришишга ҳаракатчанлик, жамоада ижодий кайфият ёки интилишни сақлаш, мустақиллик, ташаббускорлик, танқидни тўғри қабул қила олиш, гуруҳдагидошлари, ўқитувчилари, тарбиячилари, ота-онаси ва бошқа кишиларнинг оқилона жиҳатларини ажрата олиши, вақтдан унумли, мақсадли фойдаланишга интилиш, ўз хатосини тушуна олиш ва уни тузатишга интилиш).

6. Ўспириннинг оилавий шароити (ота-она ва оила аъзоларининг боланинг ўқиши, меҳнати, ижтимоий-фойдали, оммавий-маданий ишларга муносабати, мактаб, маҳалла, қариндош-уруғлар ўратасида обрўси, боланинг бўш вақтини мазмунли ўтказишини ташкил қила олиши, маданий-оқарту муассасалари билан олоқаси ва ҳ.к.).

7. Таълим муассасасидаги ўқув-тарбия шароитининг ўспириннинг тарбиясига, ўқишга, меҳнат фаолиятига таъсири, таълим-тарбия жараёнининг миллий кадриятлар, миллий урф-одатлар, миллий истиқлол ғояси асослари билан бойитилганлиги, ўқитувчи-тарбиячиларнинг маънавий-маданий қиёфаси, касбий маҳорати, ўспирин-ёшлар тарбиясига изчил, тизимли, узвий ва мақсадли ёндашиши.

Юқорида кўрсатилган ўзини-ўзи тарбия ишлари йўналишлари ва ўспиринларни ўрганиш дастурида ўқитувчилар, гуруҳдаги раҳбарларининг ўспиринлар жамоасининг тарбияланганлик даражасини инобатга олиш назарда тутилди. Бунда таълим муассасасидаги тарбиявий муҳит, маънавий-ахлоқий вазият, жамоатчиликнинг ўспиринларга муносабати, улар шахсининг ижобий ва салбий сифатларининг шаклланганлигига алоҳида эътибор қаратилди. Шулар асосида фаолиятни мақсадли ташкил этиш устуворлигини таъминлаш учун “Ўспиринларни ўзини-ўзи тарбиялаш режаси” ишлаб чиқилди. Режада қуйидагиларни амалга ошириш назарда тутилди.

1. Ўқув-тарбия жараёнида ўспириннинг ўзини-ўзи тарбиялаш.

2. Ҳар бир дарс ва тарбия соати мавзусига асосланиб, ўспиринларни ўзини-ўзи тарбиялаш ҳолатларидан унумли фойдаланиш.

3. Таълим ва тарбиявий тадбирлар жараёнида ўспиринларнинг ўзини-ўзи тушунишига кўмаклашувчи миллий ва умуминсоний кадриятлардан, маънавий меросимиз маълумотларидан фойдаланиш усуллари кенг қўллаш.

4. Вақти-вақти билан ўтказилган дарс ва тарбиявий тадбирларнинг

ўспиринг ўзини-ўзи тарбиясига таъсирини кузатиш ва баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш.

5. ўспиринларнинг мустақилликка, ташаббускорликка ўргатиш орқали ўзини-ўзи тарбиялашни амалга ошириш.

6. ўспиринларни ўзини-ўзи тарбиялашда фанлар аро алоқадорликни йўлга қўйиш.

7. ўзини-ўзи тарбиялаш тушунчаси, мазмуни, моҳияти, функцияси ҳақида ўспиринлар, ўқитувчилар, гуруҳдаги раҳбарларини хабардор қилиш мақсадида тавсиялар, кўрсатмалар яратиш.

8. ўзини-ўзи тарбиялашга доир семинарлар, савол-жавоб кечалари ўтказиш.

9. ўзини-ўзи тарбиялашда ўспиринлардаги салбий иллатларнинг катта таъсир кўрсатишини инобатга олиб, улар олидини олиш ҳамда хулқида нуқсонни бор ўспиринлар билан ишлаш методикасини ишлаб-чиқиш.

10. Мактаб, оила, маҳалла, жамоатчилик ўртасидаги мулоқот маданиятининг муҳимлигини инобатга олиб улар билан ишлаш дастурини ишлаб чиқиш.

Қайд этилганларнинг ўзини-ўзи тарбиялашни йўлга қўйишда муҳим йўлланма бўлади, қачонки, “ўспиринларни ўзини-ўзи тарбиялаш режаси” педагогик тажриба-синов ишларининг қуйидаги принцип (тамойил)лари устуворлиги инобатга олинган ҳолда ташкиллаштирилса:

1. “ўспиринларни ўзини-ўзи тарбиялаш режаси”даги тадбирларнинг ижтимоий йўналганлиги

2. ўспиринларнинг ўзини-ўзи тарбиялашининг мақсадга қаратилганлиги;

3. ўспиринлар ўзини-ўзи тарбиялашнинг асосий мақсади доирасида тажриба – синовнинг ҳар бир босқичи учун вазифаларнинг аниқ ва пухталиги;

4. Педагогик тажриба – синов лойиҳаси ва педагогик таъсирнинг яхшилиги узвийлиги ҳамда давомийлиги.

5. Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва амалага оширишда масъул шахслар ва иштирокчиларнинг мавжуд имкониятларини эркин намоиш этиш, ташаббускорлик, мустақил ҳуқуқига эгаллиги;

6. ўзини-ўзи тарбиялаш тадбирларининг миллийлик, ҳудудий ўзига хосликка асосланганлиги.

7. ўзини-ўзи тарбиялаш доирасида ўтказиладиган ўқув машғулотлари ва тарбиявий тадбирлар лойиҳасига фаолиятли ёндашиш;

8. Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказишда инсонпарварлик ва демократик асосда ёндашиш. Биз педагогик тажриба-синов ишлари давомида ўспирин ўзини-ўзи тарбиялаш методикасини амалда қўллаш мақсадида илғор педагогик технологияларга асосланган дарс ва дарсдан ташқари ишлар тизимини ишлаб чиқдик. Ушбу тизим 3.2.1 чизмада кўрсатилган.

Мазкур машғулотлар ва дарсдан ташқари ишлар тизими мазмунига ўзини-ўзи тарбиялашнинг қуйидаги вазифаларини амалга оширишни режалаштиради:

а) Дарс машғулотлари бўйича :

- ўзини-ўзи тарбиялашга йўналтирилган билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;

- ўз хулқида, интизомига баҳо бериш малакасини шакллантириш;

- ўрганилаётган фанга, билим олишга қизиқишни ривожлантириш;


- ўрганилган маълумотлар асосида илмий дунёқарашни шакллантириш;

- мустақил билим олиш, мустақил фикрлаш ва мустақил хулоса чиқариш

кўникмаларини ҳосил қилиш;

- эгаллаган билимлар асосида атроф муҳитни муҳофаза қилишга ўз хиссасини қўшиш малакасини тарбиялаш

б) Дарсдан ташқари ишлар тизими бўйича:



Ўспиринларнинг ўзини-ўзи тарбиялашни ташкиллаштирувчи ишлар тизими. 3.2.1 жадвал

Умуман олганда, ўзини-ўзи тарбиялаш тўғрисидаги билимлар маълумотлар ва ахборотлар ўспирин онгини ривожлантира бориб, ўспиринларга ўзини-ўзи англаши, ўзига-ўзи баҳо бериши ва ўзини-ўзи бошқара олиши малакаларни такомиллаштиришда, ўзини-ўзи тарбиялаш бўйича эгаллаб олган билим, кўникма, иқтидорини намоеън этишда амалий фаолият кўзга ташланади ва илмий фаразимиизнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Шунлай қилиб, ўспирин ўзини-ўзи тарбиялаш педагогик тажриба-синов яқунлари самарали поёнига етди.

Тажриба гуруҳлари ўспиринларнинг ўзини-ўзи тарбиялаш даражаси кўзланган натижаси қайд этиб, ишлаб чиққан методикамиизнинг самарадорлигини, буни биз математик-статистик таҳлил натижасидан ҳам кўрсак бўлади:

Гуруҳлар	Ўспиринлар	Даражалар
----------	------------	-----------

	сон	Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба	520	185	269	67
Назорат	520	68	228	224

Назорат ва тажриба-синов гуруҳларининг тадқиқот якунидаги умумий кўрсаткичлари:

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. Юсак маънавият-енгилмас куч.- Тошкент.: Ўзбекистон, 2008. 16, 113,117,123.
- б
2. Каримов И. "Оллоқ қалбимизда юрагимизда"-Т.: Ўзбекистон, 2000.16-б.
3. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент.: Маънавият, 1998
4. Анохин. П. К Условия вопросы теории функциональной системы. -М.: Наука, 1980.-80, 567с
5. Боссорт А. Б. Парадоксы возраста или воспитания: Книга для учителя.-М.: Просвещение, 1991.-с.
6. Кочетов А. И. Организация самовоспитания школьников. -Минск: Нар.асвета, 1990.- 40,173 с
7. Кочетов А.И. Психология: Словарь.-М, 1990.-с Лисовцкий В. Т. О чем спорят старшеклассники. –М.: Педагогика, 1990 –с.
8. Мусурмонова О. Маънавият, кадрятлар-соғлом авлодни тарбиялаш воситаси. – Т., 1995,- 132-б.
- 9.Маҳкамов.У.И. Юқори гуруҳдаги ўспиринларида ахлоқий маданиятни шакллантириш муаммолари. –Т.: «Фан», 1995
10. Приходка Н.И. Педагогические основы ученического самоуправления. Книга для учителя. М.: Просвещения. 1990 г.
- 11.Тайчинов И. М. Воспитание и самовоспитание школьников.-М. 1990.- с.